

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ, ЧОРВАЧИЛИК
ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АСРАЕВ УСМАН НАСИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЖАДАЛ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА
СИММЕНТАЛ ЗОТИГА МАНСУБ ЁШ ҚОРАМОЛЛАРНИ
МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ОШИРИШ**

06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contens of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Асраев Усман Насирович

Ўзбекистон шароитида жадал технология асосида симментал зотида мансуб ёш қорамолларни маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш..... 3

Асраев Усман Насирович

Повышение продуктивности молодняка симментальского скота на основе интенсивной технологии в условиях Узбекистана 22

Asrayev Usman Nasirovich

Increasing the productivity of young Simmental cattle on the basis of intensive technology in the conditions of Uzbekistan 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ, ЧОРВАЧИЛИК
ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АСРАЕВ УСМАН НАСИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЖАДАЛ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА
СИММЕНТАЛ ЗОТИГА МАНСУБ ЁШ ҚОРАМОЛЛАРНИ
МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ОШИРИШ**

06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx360 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.svmitf.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кахоров Абдусаттор

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шаптаков Эркин Суюнович

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Ибодуллаева Амина Сағынбаевна

кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Аграр Университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали ҳузуридаги кишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100117, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20-мавзе, 35А-уй. Тел: (99870) 9758311); e-mail: svmi.tfi@yandex.ru, www.svmitf.uz).

Диссертация билан Самарқанд Давлат Ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100117, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20-мавзе, 35А-уй. Тел: (99870) 9758311; факс: (99870)9758311) e-mail: svmi.tfi@yandex.ru, www.svmitf.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.К.Мадартов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

М.Э.Ғойипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, в.ф.ф.д. (PhD)

С.И.Мавланов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг кундалик эҳтиёжига айланган чорвачилик маҳсулотлари –гўшт, гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларига бўлган талаби кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу жиҳатдан ҳам «ушбу соҳа ривожланган Швейцария, АҚШ, Германия, ва Европа Иттифоқи мамлакатларида қорамолларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулдорликни ошириш, сигирларнинг пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш, олинган бузоқларни талаб даражасида озиклантириш, асраш, чорвачилик соҳасининг қорамолчилик тармоғини янада кенгайтириш, сермахсул зотларнинг бош сонини кўпайтириш, мақсадга мувофиқ ўстириш, зотдор қорамолларни иссиқ иқлимга мослаштириш ҳамда парваришлаш ишларининг инновацион технологияси йўналишлари долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда қорамолчилик соҳасининг районлаштирилган зотлари орасида кўш маҳсулдор йўналишдаги симментал зотли қорамоллар авлоди бош сонини кўпайтириш ва улардан сифатли маҳсулотлар олиш учун режалаштирилган тизимли усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламдаги тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Сут ишлаб чиқаришни жадаллаштириш давомида қорамолларнинг сифат кўрсаткичларига бўлган талаб ортади ва юқори маҳсулдор подаларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлади. Бунинг учун сутчилик фермаларида қорамоллар организмида юқори табиий курашувчанликка эга, тирик вазни ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича бир бирига яқин ғунажинлар билан пода тўлдирилиши зарур. Сигирларда бундай сифатларни шакллантириш асосан ёш урғочи сигирларни улар туғилганидан бошлаб лактация фаолияти бошлангунга қадар қандай ўстирилиши билан боғлиқ. Озиклантириш даражаси ўсаётган хайвоннинг зотига боғлиқ биологик хусусиятлари ва уни парваришлаш каби мавзулардаги тадқиқотлар муҳим илмий аҳамият касб этмоқда

Республикамизда сўнгги йилларда аҳолини сифатли ва хавфсиз озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун четдан келтирилган насли симментал зотли қорамоллардан олинадиган ёш бузоқларнинг биологик хусусиятларини ва мослаштириш, маҳсулдорлик сифатларини ўрганиш, уни илмий жиҳатларини кенг очиб бериш қорамолларни илмий асосланган тўла қийматли рацион асосида боқиш, сақлаш ва парваришлаш технологияларини ишлаб чиқиб жорий қилиш, фермер хўжаликларида симментал зотли қорамолларни жадал парваришлаш орқали эрта асосий подага ўтказиш ва фойдаланиш муддатини узайтиришдан ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ 2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация ишининг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, ветеринария ва атроф-муҳит муҳофазаси фанлари» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон шароитида жадал технология асосида симментал зотига мансуб ёш қорамолларни маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш, пуштдорлик, елин ва бошқа хусусиятларини яхшилаш, зотни такомиллаштириш, эрта юқори маҳсулдор подаларни яратиш бўйича республикамизда ва хориж давлатларида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва унинг натижалари ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Республикамиз олимларидан Ш.А.Акмалхонов, М.Э.Аширов, У.Н.Носиров, А.Кахоров, Э.Ю.Карчевский, И.Мақсудов, Б.У.Хидиров, М.Х.Достмухамедова, Қ.Ж.Шакиров, Б.Х.Жумадуллаев. Хорижий давлат олимларидан А.Ф.Кузнецов, А.А.Стекольников, И.Д.Алемайкин, А.Я.Батраков, М.Д.Дедов, Ю.Н.Григорьев, А.Б.Ружевский, Э.Н.Доротюк, А.Хансон, Л.К.Эрнст, А.Б.Ружевский, Ю.Д.Рубан, П.П.Бердник, F.Spindler, А.И.Бич, М.А.Смольянинов, Н.И.Стрекозов, Ж.Г.Логинов, П.Н.Прохоренко, Л.С.Жебровский, А.В.Егиазарян, А.Б.Ружевский, А.Черных ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқотларида симментал зотини такомиллаштириш, чатиштиришда бу зотнинг имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган. Ушбу олимларнинг тадқиқотлари натижаларининг кўрсатишича, симментал зотли қорамоллар урчитиш хуудларидан қатъий назар, яхшиловчи зот ҳисобланади. Бу маълумотлар симментал зотли қорамолларни соф зотли урчитишда ва чатиштиришда фойдаланиш сермахсул репродуктор хўжаликлари яратишда, симментал зотини ёш урғочи авлодларидан фойдаланиб, эрта подаларини яратишда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-95 «Четдан келтирилган қорамолларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва пуштдорлик хусусиятларини яхшилашнинг технологик усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган. (2018-2020 йй)

Тадқиқотнинг мақсади симментал зотига мансуб сигирлардан маҳаллий шароитида олинган таналарни жадал усулда тўла қийматли рацион асосида парваришлашни, ўсиш ва ривожланишига ҳамда сут маҳсулдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Ўзбекистоннинг шароитида симментал зотига мансуб қорамолларни жадал ўстириш мақсадида озуқа бирлиги 20-30 фоизга кўтариш натижасида ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш;

маҳсулот бирлигига сарфланган озуқа миқдорини аниқлаш;

симментал зотли таналарнинг пуштдорлик хусусиятларини аниқлаш;

симментал зотига мансуб сигирларнинг серсут даври мобайнида (100 кун) сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва жадал парваришлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон Темир йўлларига қарашли “Сардоба” наслчилик хўжалигида 2017-2019 йиллар мобайнида Германиядан келтирилган соф симментал зотли сигирлар авлодлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети соф симментал зотли сигирлар авлодларини ўсиш ва ривожланиши, экстерьер ўлчамлари, клиник ва гематологик кўрсаткичлари, пуштдорлиги, елин тузилиши, сут маҳсулдорлиги ва сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотни бажаришда А.П.Калашниковнинг «Хайвонларни озиқлантириш меъёрлари», тирик вазни, экстерьер, тана тузилиш индекслари, елинининг морфофункционал кўрсаткичларини аниқлашда зоотехнияда умумий қабул қилинган услублардан, Н.В.Барабанщиковнинг “Сут маҳсулдорлиги, сутнинг ёғдорлик даражаси, сутдорлик коэффициенти, сутнинг биокимёвий таркибини аниқлаш”, Е.К.Меркурьеванинг «Ўртача арифметик қиймат (X), унинг хатоси (S_x), ўзгарувчанлик коэффициенти (C_v), ишончлилик критерийлари (td) ва (P)» усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқ иқлим шароитида симментал зотли урғочи таналар озиқлантириш рациони 20-30% га оширилганлиги натижасида тажрибадаги таналарнинг тирик вазни ўсишини жадаллаштирилган. Уларнинг тирик вазни 15,6 ойликдаги биринчи уруғлантириш даврида 391,4 кг.ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 31,2 кг ёки 7,97 % га оширилган ва тирик вазн бўйича фарқланишнинг ишончлилик даражаси $R > 0,999$ бўлганлиги билан исботланган;

тажриба гуруҳидаги таналарни жадал технология асосида озиқлантириш бўйича рацион тўйимлилик даражаси 20-30 % га оширилган, натижада тажриба гуруҳидаги таналарнинг ўсиш ва ривожланиш даврида 1 кг тирик вазн ўстириш учун 6,12 кг озиқа бирлиги ва соғин даврида 1 кг сут ишлаб чиқариш учун 0,84 кг озуқа бирлиги сарфланган;

тажриба гуруҳидаги таналар пуштдорлик кўрсаткичлари бўйича 15,6 (469 кун), назорат гуруҳида эса бу 17,3 (519 кун) ойликда жинсий тўлиқ етилиб, тажриба гуруҳидаги таналар назорат гуруҳига нисбатан 50 кун олдин сунъий уруғлантирилган ва 51 кун олдин бузоқ олинган. Натижада сервис даври 5 кунга қисқартиришга эришилди. Тажриба гуруҳидаги биринчи туққан ғунажин-сигирларнинг тирик вазни 25 ойлигида 563,1 кг.ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 84,2 кг.га ёки 14,9 % га ошганлиги исботланган;

тажрибамиздаги симментал зотли таналарни озиқлантириш даражасини 20-30 % га ошириш натижасида биринчи туққан сигирларни сутдорликни ошириш даврида (лактациянинг илк 100 кунда) назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 280 кг (11,8%) кўп сут соғиб олинган;

озиқлантириш сигир аражасини ошириш натижасида тажрибадаги таналарни ўстиришнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатган. Тажриба гуруҳида таналарни парваришlash рентабеллиги даражаси 21,6% ни ташкил қилган ва сут ишлаб чиқариш таннархи назорат гуруҳига нисбатан 270,0 сўмга пасайган. Тажриба гуруҳи урғочи таналари ўртача бир бош ҳисобига 5660,2 минг сўм даромад олишга эришилган, бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 1379,3 минг сўмга ошганлиги билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иссиқ иқлим шароитидаги фермер хўжаликларида ёш ўсувчи қорамолларни жадал ўстиришда озуқа бирлигини ошириш орқали тажриба гуруҳидаги таналар тирик вазнининг тез ошишига ва эртароқ етилишига олиб келиши аниқланган;

таналарни жадал озиклантириш уларнинг тана тузилишини тез шаклланиши ва биринчи туғим ёши ҳам назорат гуруҳига нисбатан қисқаришига олиб келиши аниқланган;

таналарни эрта ёшдан тўла қийматли мувозанатлаштирилган озиклантириш рационаси асосида боқиш орқали лактация давридаги сут маҳсулдорлигини ошириш мумкинлиги исботланган;

озиклантириш даражасини ошириш натижасида симментал зотли биринчи туғиш сигирларидан сут ишлаб чиқариш рентабеллиги юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий андозалар, услублар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларини чорвачилик фермер хўжаликларида доимий қўлланиладиган услублар асосида олиб борилганлиги, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилганлиги, олинган натижалар биометрик таҳлилдан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларини жорий этиш далолатномалари билан тасдиқланганлиги ва илмий натижалари етакчи илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Германиядан келтирилган соф симментал зотли сигирларнинг урғочи авлодларини эрта ёшдан тўла қийматли мувозанатлаштирилган озиклантириш рационаси асосида туғишига қадар тўйимлилигини 20-30 % оширилган озиклантириш рационасида боқиш, урғочи таналарнинг тирик вазнларини ошишига, эрта жинсий етилишига ва тавсия этилган муддатлардан олдин яхши уруғланиб туғишига, ҳамда ғунажинларни асосий сигирлар подасига ўтказиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти урғочи таналардан самарали фойдаланиш ва уларни эртароқ асосий сигирлар подаларига қиритиш, сигирлардан фойдаланиш муддатини узайтириш мақсадида урғочи бузоқларни ёшлигидан турли ўсиш ва ривожланиш давларида тўйимли моддалар миқдорини меъёрий талаблар асосида озиклантириш даражасини жадаллаштириш ва 15-16 ойликда тирик вазнини 380-400 кг.га етказиб уруғлантириш, ҳамда 24-25 ойликда юқори маҳсулдор сигирлар подасини тўлдириш имконияти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Симментал зотли сигирлар урғочи авлодларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

симментал зотли сигирлар урғочи авлодларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш усули Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон Темир йўлларига қарашли “Сардоба” наслчилик хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг

2021 йил 27 декабрдаги 02/23-443-сонли маълумотномаси). Натижада сигирларнинг сут миқдори 280 кг.га, ёғ чикими 8,4 кг.га, бир бош ғунажиндан олинган даромад 2027,7 минг сўмни, рентабеллик даражаси 21,6% ни ташкил этган;

симментал зотли сигирлар урғочи авлодларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш усули Тошкент вилояти, Охангарон тумани “Гулобод-мева” сабзаботчилик, мевачилик ва чорвачилик хўжалигида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 27 декабрдаги 02/23-443-сонли маълумотномаси). Натижада бир бош ғунажиндан олинган даромад 1987,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси 20,1% ташкил қилган;

симментал зотли сигирлар урғочи авлодларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш усули Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Ўзнаслэлита” МЧЖ хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 27 декабрдаги 02/23-443-сонли маълумотномаси). Натижада бир бош ғунажиндан олинган даромад 1950,3 минг сўмни, рентабеллик даражаси 19,8% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон Темир йўлларига қарашли “Сардоба” наслчилик хўжалигининг қорамолчилик фермаси ишлаб чиқариш йиғилишларида, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси апробация комиссиясида (2017-2019 йй.) ҳамда 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та, шу жумладан халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан 2 таси хорижий нашрларда илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 123 бетда таҳлил этилган, IV боб, хулоса ва тавсиялар, 23 та жадвал, 3 та диаграмма, 1 та илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва интернет сайтларидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий жиҳатдан асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида симментал зотли қорамолларнинг яратилиш тарихи ва унинг тавсифи, сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларининг озиқлантириш омилига боғлиқлиги, симментал зотли ёш қорамолларнинг морфологияси ва пуштдорлик хусусиятлари, симментал зотли қорамолларнинг биринчи туғишдаги сут маҳсулдорлиги йўналишида республика ва хориж олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертация ишининг **“Тадқиқотларни ўтказиш жойи, манбаи ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, тадқиқот манбаи ва тадқиқотни бажариш услублари баён қилинган.

Илмий тадқиқот ишларининг тажриба қисми 2017-2019 йилларда Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон Темир йўлларига қарашли **“Сардоба”** наслчилик хўжалигининг қорамолчилик фермасида бажарилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида Германиядан келтирилган соф симментал зотли сигирлар авлодлари танланган. Тадқиқотлар давомида ҳайвонларни озиқлантириш, озуқаларнинг тўйимлилиги ва кимёвий таркиби, ейилувчанлиги, тажрибадаги таналарнинг тирик вазни, экстеръери, тана тузилиш индекслари, нисбий ва мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари, ҳайвонларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари, пуштдорлиги, озуқани маҳсулот билан қоплаш даражаси, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибаларда олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланилган усуллар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси”** номли учинчи бобида тажрибадаги қорамолларни сақлаш технологияси, тажрибадаги сигирларга даврлар кесимида озуқа сарфи, Симментал зотига мансуб сигирлардан олинган авлодларни жадал технологик шароитида ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, таналарнинг озуқа сарфини қоплаш хусусиятлари, симментал зотига мансуб сигирлардан олинган авлодларни тана ўлчамлари кўрсаткичлари, симментал зотига мансуб сигирлардан олинган авлодларни клиник ва гематологик кўрсаткичлари, симментал зотига мансуб сигирлар пуштдорлик кўрсаткичлари, симментал зотига мансуб биринчи марта туққан сигирлар елинининг морфологик ва функционал хусусиятлари, биринчи туққан сигирларни серсут қилиш орқали сут маҳсулдорлигини ошириш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган. Тажриба ва назорат гуруҳи бузоқларига сут даврида, сут билан минерал премикслар омукта озуқаларга аралаштириб тайёрланган озуқа дағал

озуқалар билан миксерда аралаштириб 10 кунга етадиган қилиб тарозидан ўтказилиб тайёрланди ва бузоқлар йил давомида бир хил типда озиклантирилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Бузоқларни сут даврида 180 кунлик ёшига қадар озуқа сарфи, кг
(бир бошга ўртача)**

Озуқалар	Назорат	Тажриба
Сут	405	540
Беда пичани	198	249
Маккажўхори силоси	300	378
Маккажўхори дони ёрмаси	100	120
Буғдой дони ёрмаси	68	104
Ош тузи	2,35	2,65
Монокальций фосфат	2,8	2,8
Озуқа таркибида		
Алмашинувчи энергия, Мж	5124,5	6654,9
Озуқа бирлиги	426,2	553,5
Қуруқ модда	414,2	561,8
Ҳазм бўлувчи оксил	51,6	67,4
Клетчатка	78,0	98,3
Қанд	9,1	11,7
Крахмал	95,2	126
Ёғ	28,4	37
Са	4,4	5,6
Р	1,6	2,1

Тадқиқотларимизнинг 180 кунлик давомида ўртача тажриба гуруҳига алмашинувчи энергия 6654,9 Мж, озуқа бирлиги 553,65 кг, қуруқ модда 561,8 кг, ҳазм бўлувчи оксил 72,4 кг, клетчатка 98,3 кг, қанд 11,7 кг, крахмал 126 кг, ёғ 37, кальций 5,6 кг, фосфор 2,1 кг гр, ош тузи 2,65 кг, кг, назорат гуруҳида эса алмашинувчи энергия 5124,5 Мж, озуқа бирлиги 426,2 кг, қуруқ модда 414,2 кг, ҳазм бўлувчи оксил 51,6 кг, клетчатка 78 кг, қанд 9,1 кг, крахмал 95,2 кг, ёғ 28,4 кг, кальций 4,4 кг, фосфор 1,6 кг, ош тузи 2,65 кг сарфланди. 1-жадвалда келтирилганидек, 6 ойликкача бўлган ёшдаги бузоқларда назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида рацион структурасида фарқланишлар бўлган. Ёғи олинмаган сут умумий рацион структурасида тажриба гуруҳида 32,4 фоизни ёки назорат гуруҳидагиларга нисбатан 25 фоизга кўпроқ бўлди. Рацион структурасида тажриба гуруҳида концентрат озуқа назоратга нисбатан 3,4 фоизга, дағал озуқалар 2,4 фоизга, ширали озуқалар 1,9 фоизга кўпроқ бўлди. Бу босқичда дастлабки 3 ойлик ёшигача бўлган даврда сут билан озиклантиришга катта эътибор қаратилди. Дастлабки 3 ойда сут билан яхшилаб озиклантириш кейинчалик ўсиб ривожланишига ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичлари яхши бўлишига ижобий таъсир кўрсатган. Тажрибадаги назорат гуруҳи урғочи таналарнинг 15-18 ойлик ёшига қадар озиклантириш рационини 2-жадвалда келтирилган.

Тажрибадаги бузоқларнинг тирик вазн ўсиши динамикаси 3-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, тажриба гуруҳидаги бузоқлар барча даврларда юқори тирик вазн билан ажралиб турган. 3 ойлик ёшида назорат гуруҳига нисбатан ўртача 13,4 кг (14,9%) ($P>0,999$), 6 ойлик ёшида 22,6 кг.га ёки 3,8% ($P>0,999$), 9 ойлик ёшида 40,6 кг.ни, ёки 19,2% ($P>0,999$), 12 ойлик ёшида 52,0 кг.га ёки 19,4% ($P>0,999$), 450 кунлик ёшида 64,6 кг ёки 16,5% ($P>0,999$), ортиқча бўлган.

2-жадвал

Назорат гуруҳи урғочи таналарнинг 15-18 ойлик ёшига қадар озиқлантириш технологияси бир бошга ўртача, кг

Озуқалар	Озуқа	Алмаши- нувчи энергия Мж	ЭОБ	Озуқа бирлиг и	Қурук модда	Ҳазм- бўлувчи оксил
Беда пичани	135	904,5	90,45	63,45	120,05	13,64
Сенаж	550	2255	225,6	159,5	247,5	21,45
Маккажўхори силоси	555	1276,5	127,65	99,9	138,75	7,77
Маккажўхори дони ёрмаси	31	396,8	39,68	35,65	26,35	2,23
Арпа ёрмаси	60	708	70,8	63,6	53,4	3,78
Бугдой кепаги	65	578,5	57,85	46,15	55,25	6,31
Жами:	-	6119,3	611,93	468,25	633,3	55,18

3-жадвал

Тажрибадаги бузоқларнинг тирик вазн ўсиши динамикаси, кг (n-15) ($\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$)

Ёши, ой	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	
	Тирик вазни, кг	Ўртача кунлик ўсиш, г	Тирик вазни, кг	Ўртача кунлик ўсиш, г
Туғилганда	31,9±0,69	-	30,8±0,74	-
3	90,5±0,92	651,1±13,0	103,1±1,08	803,3±14,93
6	153,7±1,51	702,2±13,09	175,5±1,80	804,4±13,18
9	211,5±2,44	642,2±12,10	251,3±1,52	842,2±13,93
12	269,0±2,78	638,9±14,80	320,2±2,40	765,6±11,70
15	325,1±2,16	623,3±18,50	389,7±2,04	772,2±17,20
18	378,9±2,36	597,8±19,11	-	-
Уруғланти- риш олдида	360,2±3,16	623,5±14,10	391,4±2,04	774,6±17,30

Таналарнинг озуқа сарфини қоплаш кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар куйидаги 4-жадвалда келтирилган. Тажрибадаги таналарнинг туғилганидан 90 кунлик ёшига қадар тажриба гуруҳи таначаларига 221,5 кг озуқа бирлиги сарфланган бўлиб, бу назорат гуруҳига нисбатан озуқа бирлиги 29,9% га ошиқча бўлди. Тажрибадаги таналарнинг 90 кунлик ёшига қадар 1 кг тирик вазн ўсишига тажриба гуруҳи таначаларида назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 5,2% га ошиқча озуқа бирлиги сарфланган.

4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки тажрибадаги бузоқларнинг тирик вазн ўсиши даврлар давомида фарқланиб келганлиги кузатилган. Тажриба гуруҳидаги бузоқлар барча даврларда юқори тирик вазни билан ажралиб турган. Жумладан улар 3 ойлик ёшида назорат гуруҳига нисбатан ўртача 12,6 кг (13,9%) ($P>0,999$) устунлик қилди. Тажриба гуруҳи бузоқларнинг сут ичиш даврида 6 ойлик ёшига қадар назорат гуруҳига нисбатан рациондаги озуқалар тўйимлилигини 20-30 % ошириш орқали ўртача тирик вазни 6 ойлик ёшида $175,5\pm 0,8$ кг.ни ташкил қилиб, тенгдошлари назорат гуруҳига нисбатан ўртача 21,8 кг.га ёки 14,2 %-га ортиқча бўлди ($P>0,999$).

4-жадвал

Таналарнинг озуқа сарфини қоплаш кўрсаткичлари

Ўсиш даври, ой	Мутлоқ ўсиш, кг		Жами озуқа сарфи, озуқа бирлигида		1 кг тирик вазнга сарфланган озуқа, озуқа бирлигида	
	назорат	Тажриба	назорат	тажриба	назорат	Тажриба
0-3	58,6	72,3	170,10	221,5	2,90	3,06
3-6	63,2	72,4	255,10	332,2	4,04	4,59
6-9	57,8	75,8	401,15	509,38	6,94	6,72
9-12	57,5	68,9	457,96	569,5	7,96	8,27
12-15	56,1	69,5	505,10	626,92	9,00	9,02
15-18	53,8	66,4	578,95	447,3	10,76	6,74
Жами	347,0	425,3	2368,36	2706,8	6,83	6,36
Уруғлан-тириш кунигача	328,3	360,6	2303,08	2205,3	7,02	6,12

Тажрибанинг 180-270 кунлик ёшига (9 ой) келиб эса тажриба гуруҳи урғочи таналари ўртача $251,3\pm 0,52$ кг.ни ташкил этиб, тенгдошлари назорат гуруҳига нисбатан 39,8 кг.ни, ёки 18,8 %-га ($P>0,999$), таналарнинг 12 ойлик ёшига келиб бў кўрсаткич тажриба гуруҳи таналарининг ўртача тирик вазни $320,2\pm 0,4$ кг.ни ташкил қилиб тенгдошлари назорат гуруҳига нисбатан 51,2 кг.га ёки 19,0 % га ортиқча бўлди ($P>0,999$). Урғочи таналарнинг 450 кунлик даврига келиб тажриба гуруҳи таналарининг ўртача тирик вазни $389,7\pm 2,04$ кг.ни ташкил қилиб, тенгдошлари назорат гуруҳига нисбатан 64,6 кг.га ортиқча, ёки 16,5 % га ортиқча бўлди ($P>0,999$).

Тажриба гуруҳидаги таналарни озиклантириш меъёрларини 20-30% оширилган рацион билан озиклантириш натижасида биринчи самарали уруғлантириш 469 кунлик (15,6 ой) ёшида тирик вазни 391,4 кг.ни ташкил қилганда амалга оширилди. Назорат ҳамда тажриба гуруҳи сигирларини озиклантириш хўжалик рациони асосида боқиладиган рационга ўтказилди. Назорат гуруҳи таналари 519 кунлик (17,3 ой) ёшига келиб ўртача тирик вазни 360,2 кг.ни ташкил қилганида сунъий усулда қочирилди, 2,5 ойдан сўнг ректал усулида текширилиб ғунажин гуруҳига ўтказилган.

Тажрибадаги симментал зотли таналарнинг тана индекси 15-ойлик ёшида назорат гуруҳи урғочи таналарининг ўртача узунёқлилик индекси бўйича 53,98 % ни, чўзинчоқлик индекси бўйича 111,02 %-ни, кўкракдорлик индекси бўйича 59,42 %-ни, бўйдорлик индекси бўйича 104,38 %-ни ташкил қилган бўлса, тенгдошлари тажриба гуруҳи ғунажинлари ўртача узунёқлилик индекси бўйича 50,43% ни, чўзинчоқлик индекси бўйича 112,83 %-ни, кўкракдорлик индекси бўйича 61,7% ни, бўйдорлик индекси бўйича ўртача 101,7 %-ни ташкил қилди. Натижада симментал зотига мансуб тажриба гуруҳи таналарининг озиклантириш рационини тўйимлилиги бўйича 20-30 %-га ошириш натижасида тана тузилишларининг ўлчамларини ўзига хос конституционал хусусиятларга эга деб хулоса қилиш имкониятини берган.

5-жадвал

Назорат гуруҳидаги таналарнинг индекслар кўрсаткичлари, %

Кўрсаткичлар	Ёши, ойлар					
	3	6	9	12	15	18
Чўзинчоқлик	102,7	109,5	112,4	110,6	111,02	116,6
Узунёқлилик	59,2	54,7	52,8	50,9	53,98	50,4
Тўлишганлик	105,7	105,3	109,2	110,4	111,3	112,1
Кўкракдорлик	54,8	56,3	57,3	56,9	59,42	59,2
Бўйдорлик	105	104,4	103,7	101,6	104,4	101,4
Суякдорлик	15,3	14	13,9	14,7	15,2	15,4

Тадқиқотларда назорат гуруҳи ва тажриба гуруҳи таналарининг биринчи куюкиш ёши тажриба гуруҳи таналарига нисбатан 13 кун ($P>0,99$) қисқа ҳамда тирик вазни 18 кг.га ($P>0,999$) кам бўлди (6-жадвал). Тажрибадаги симментал зотига мансуб қорамолларни озиклантириш рациони қийматини 20-30 %-га оширилган гуруҳда қочириш ёши назорат гуруҳи хўжалик рационида боқилган тенгдошларига нисбатан 50 кун олдин сунъий уруғлантирилди. Қочирилгандаги ўртача тирик вазни бўйича 31,2 кг.га ортиқча бўлиб, туғиш ёши назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан 50 кунга эртароқ муддатни ташкил этди. Жадвал маълумотларига кўра тажриба гуруҳидаги симментал зотига мансуб сигирларнинг туғишдан кейинги ўртача тирик вазни $563,1\pm 2,9$ кг.ни ташкил этиб, тенгдошлари назорат гуруҳига нисбатан 84,2 кг га ёки 14,9 % га ($P>0,999$) ортиқча

бўлган ва сервис даврини 5 кунга қисқартиришга эришилган. Шундай қилиб, тадқиқотларда Сирдарё вилоятининг иссиқ иқлим шароитида симментал зотли ёш урғочи бузоқларни йил фаслларида қатъий назар яйратиш майдончаларида озика тўйимлилигини ўсиш даврида 20-30 % ошириш уларнинг ўстириш ва парваришlash даврларида юқори ўсиш суръатини ва туққандан кейинги лактациянинг дастлабки 100 кунли мобайнида юқори сут маҳсулдорлигини таъминлашни кўрсатган.

6-жадвал

Тажриба гуруҳидаги таналарнинг индекслар кўрсаткичлари, %

Кўрсаткичлар	Ёши, ойлар				
	3	6	9	12	15
Чўзинчоқлик	105,8	111,7	114,3	118,3	112,83
Узуноёқлик	54,8	54,3	52,4	50,4	50,43
Тўлишганлик	108	108,4	111,5	111,3	111,6
Кўкракдорлик	59	58	58,6	59,3	61,7
Бўйдорлик	108,8	105,8	104,1	102,6	101,9
Суякдорлик	14,9	15	15	15,2	15,1

7-жадвал

Таналарнинг пуштдорлик хусусиятлари кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	Назорат	Тажриба
Биринчи куюкишдаги ёши, кун	241,3	228,4
Биринчи куюкишдаги тирик вазни, кг	197,2	215,2
Қочирилгандаги ёши, кун	519	469
Қочирилгандаги ўртача тирик вазни, кг	360,2	391,4
Бўғозлик даври, кун	282,7	282,3
Туғишдаги ёши, кун	801,7	751,3
Туғишдан кейинги ўртача тирик вазни, кг	478,9	563,1
Уруғлантириш даражаси, %	73,3	80,0
Қочириш индекси	1,27	1,20
Бузоқ олиш, %	81,3	82,6
Сервис даври, кун	70,0±2,1	65,0±1,77

Елиннинг нисбий катталиги бўйича қосасимон елинли сигирлар бир оз устунликка эга бўлган. Елиннинг асосий ўлчамлари бўйича тажриба гуруҳ сигирлари назорат гуруҳдан устунлик қилган. Олинган маълумотлар гунажинларни лактацияга тайёрлашнинг роли катта эканлигини тасдиқлайди (7-

жадвал). Жадвал маълумотларини таҳлилдан шуни кўриш мумкинки, Ҳайвонлар елинини морфологик белгилари ва функционал хусусиятларига кўра баҳолаш уларни машина ёрдамида соғишга яроқлилигини аниқлаш имконини берган. Лактациянинг 2-3 ойларида ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида аниқландики, мақсадга мувофиқ косасимон шаклдаги елинга эга сигирларнинг энг кўп сони тажриба гуруҳида 12 бош (80,0%), назорат гуруҳида 11 бош (73,3%), юмалоқ шаклдаги елинли сигирлар эса мос равишда 20% ва 26,7% ни ташкил этди. Мақсадга номувофиқ ҳисобланадиган эчки елинли сигирлар эса ҳеч бир гуруҳда қайд этилмади. Лактация давомидаги энг кўп соғим миқдори тажриба гуруҳи ҳайвонларида назорат соғим кунда косасимон елинли сигирларда 24,1 кг, назорат гуруҳи ғунажинларида 19,6 кг ($P>0,999$) ни ташкил этган.

Тажрибадаги сигирларнинг елин ўлчамларини сут маҳсулдорлиги билан боғлиқлиги, см ($\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$)

Гуруҳлар	Бош сони	305 кунлик соғим даври мобайнида сут миқдори, кг	305 кунда ўртача кунлик сут миқдори, кг	Елин ва сўрғичлар ўлчамлари					
				Елин эни	Елин узунлиги	Елин айланаси	Елин чуқурлиги	Сўрғичлар узунлиги	Сўрғичлар диаметри
Косасимон									
I-тажриба	12	4344±133,6	14,24±0,49	27,2±0,49	36,6±0,76	118,2±1,47	27,8±0,55	7,31±0,21	2,31±0,71
II-назорат	11	3850±121,7	12,66±0,37	24,8±0,57	30,2±0,84	107,7±1,52	25,7±0,61	6,92±0,19	2,21±0,84
Думалок									
I-тажриба	3	4092±141,2	13,42±0,31	25,1±0,54	28,2±0,81	108,4±1,54	25,2±0,62	7,12±0,23	2,23±0,65
II-назорат	4	3590,4±131,2	11,77±0,29	23,2±0,41	25,1±0,71	105,1±1,48	24,1±0,63	6,71±0,15	2,14±0,75
Ўртача									
I-тажриба	15	4218±137,3	13,83±0,47	26,8±0,51	34,9±0,79	116,2±1,51	27,3±0,59	7,27±0,22	2,29±0,68
II-назорат	15	3720,28±126,7	12,20±0,34	24,4±0,48	29,7±0,81	106,8±1,50	25,2±0,61	6,86±0,17	2,19±0,81

Тажрибадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари 9-жадвалда келтирилган. Сигирлар сутининг сифат таркибининг таҳлиллари бўйича гуруҳлар ўртасида такрорланиб турувчи, статистик барқарор фарқлар мавжуд эмас. Аммо, сут ёғлик даражаси бўйича тажриба гуруҳи сигирлари назорат гуруҳига нисбатан 0,03%, сут оқсили бўйича 0,04% ва сутниг қуруқ моддаси бўйича 0,16 кг устунликка эга бўлган.

9-жадвал

Тажрибадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари
(ўртача бир бошга), ($\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	Назорат	Тажриба
Лактациянинг илк 100 кунда, кг	2090±29,7	2370±39,7
Лактациянинг 305 кунда, кг	3720,2±47,7	4218,6±54,8
Ўртача кунлик соғин, (100 кунда), кг	20,9±0,55	23,7±0,49
Сут таркибида мавжуд:		
Сут ёғи, %	3,79±0,02	3,82±0,02
Сутдаги оқсил, %	3,31±0,01	3,35±0,01
Сут ёғи чиқими, кг	79,21±1,31	90,53±1,43
Сут оқсили чиқими, кг	69,18±1,27	79,4±1,47
4 %-ли сут, кг	1980,3±42,5	2263,4±47,5
Қуруқ модда, %	12,35	12,51

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, уруғлантириш ёшигача жадал парваришлаш, туғишга тайёрлаш, биринчи марта туққан сигирларни лактациянинг 100 кун давомида соғим миқдори бўйича баҳолаганда сигирларнинг сут маҳсулдорлигини 11,8 %-га ошган. Маҳсулот бирлигига сарфланган озуқа сарфидан кўриниб турибдики, энг яхши натижаларга жадал парваришлаш натижасида эришилган.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги” номли учинчи бобида тажрибадаги симментал зотли қорамолларни жадал парваришлашнинг иқтисодий самарадорлиги баён қилинган. Иқтисодий самарадорлик бўйича олинган маълумотлар қуйидаги 10-жадвалда баён қилинган.

Симментал зотига мансуб сигирлардан олинган авлодларни жадал технологик шароитида ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, тирик вазн ўсиши ва мутлоқ ўсиш динамикаси, олинган авлодларни озиклантириш ва сақлаш, бузоқларни 6 ойлик ёшигача парваришлаш учун озуқа сарфи, 6 ойлик ёшидан биринчи марта уруғлантирилгунга қадар сарфланган озуқалар, тажрибадаги ҳайвонларни сақлаш технологияси каби маълумотлар тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда инобатга олинган. Жадвалдан кўриниб турибдики, жадал ўстирилган тажриба гуруҳидаги қорамоллар самарадорлиги юқори бўлган. Жумладан, улардан 18,4 % мутлоқ тирик вазн олинган. Юқори даражада озиклантирилиб парваришланган сигирларнинг эртароқ туғиши натижасида тажриба гуруҳи сигирларидан назорат гуруҳидан 280 кг кўпроқ сут соғиб олинган.

Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги (1 бошга)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	Назорат	Тажриба
Самарали уруғлантириш, кун	519	469
Тирик вазн, кг	360,2	391,4
Биринчи туғишидаги ёши, кун	801,7	751,3
Биринчи туғишдаги тирик вазн, кг	478,9	563,1
100 кунлик сут маҳсулдорлиги, кг	2090	2370
Тирик вазни мутлоқ ўсиши, кг	347,0	425,3
1 кг сутнинг сотиш нархи, сўм	4000	4000
1 кг тирик вазн сотиш нархи, сўм	42000	42000
Маҳсулотни сотишдан тушган даромад:	27134	31836,6
Сут, минг сўм	8360	9480
Тирик вазн, минг сўм	18774	22356,6
Харажатлар:	22853,02	26176,32
Сутга, сўм	7252,3	7584
Тирик вазн ўстиришга, сўм	15600,72	18592,32
1 кг сутнинг таннархи, сўм	3470	3200
1 кг тирик вазннинг таннархи, сўм	34900,9	34928,27
Туғилгандан биринчи туққанга қадар озуқа сарфи, озуқа бирлигида	4937,5	4655,5
Даромад, минг сўм	4280,98	5660,28
Рентабеллик даражаси, %	18,7	21,6

Харажатларни қопланишидаги бундай тафовут шу билан изоҳланадики, биринчидан-биринчи марта туққунга қадар ҳайвонларга парваришlash ва сақлаш харажатлари турлича миқдорда сарфланган, иккинчидан тажриба гуруҳи ҳайвонларидан маҳсулот олиш уларнинг 25 ойлик ёшида назорат гуруҳига нисбатан, яъни, 51 кун эртaroқ маҳсулот олинди. Энг кўп иқтисодий самарадорликка урғочи таналарни нисбатан эрта ёшларда уруғлантириш натижасида эришилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Иссиқ иқлим шароитида ғунажинларни жадал ўстириш технологиясини қўллаш, яъни тажрибадаги урғочи таналарнинг озиклантириш даражасини назорат гуруҳига нисбатан 20-30 фоизга ошириш уларнинг тирик вазнини жадал ошишига олиб келди. Тажриба гуруҳи таналари 15,6 ойлигида тирик вазни 391,4 кг.ни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан 31,2 кг ёки 7,97 %-га юқори бўлди. Тирик вазндаги ишончлилик даражаси фарқи ($P>0,999$) бўлган.

2. Таналарни озиклантириш даражасини ошириш уларнинг вазн, тана ўзгаришларига ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган, тажриба гуруҳидаги таналарни озиклантиришда рацион тўйимлилик даражасини 20-30 % га ошириш натижасида тажриба гуруҳидаги таналарнинг ўсиш ва ривожланиш даврида 1 кг тирик вазн ўстириш учун 6,12 кг озика бирлиги ва соғин даврида 1 кг сут ишлаб чиқариш учун 0,84 кг озуқа бирлиги сарфланганлиги исботланган;

3. Тажриба гуруҳидаги таналарнинг биринчи уруғлантириш ёшига қадар ўстиришда назорат гуруҳига нисбатан 14,1 озуқа бирлиги кам сарфланди. Бу таналари назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан кунлик ўсиши 151,1 г ёки 24,2 % ортиқча бўлиб, ўртача 774,6 г ташкил қилган.

4. Урғочи таналарни жадал парваришлаш уларнинг кўпайиш хусусиятлари яхшилашга ҳам имкон берди. Тажриба гуруҳидаги таналар 15,6 ойлигида, назорат гуруҳида эса бу 17,3 ойлик ёшида жинсий тўлиқ етилиб, тажриба гуруҳидаги таналар назорат гуруҳига нисбатан 50 кун олдин сунъий уруғлантирилди ва 50,4 кун олдин бузоқ олинди, сервис даврини 5 кунга қисқартиришга эришилди. Жадал тўла қийматли озиклантириш эвазига биринчи тукқан сигирларни тирик вазни 25 ойлик ёшида тажриба гуруҳида 563,1 кг.ни ташкил қилиб, назорат гуруҳи тенгдошларига нисбатан 84,2 кг ёки 14,9 % га ошганлиги аниқланган.

5. Қорамолларни лактацияга тайёрлаш жараёнида елинни пневмомассаждан фойдаланиб уқалаш давомида биринчи марта туғаётган сигирлар елинини морфологик ва функционал хусусиятлари тадбиқ этилган. Лактациянинг 2-3 ойларида ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида аниқландики, мақсадга мувофиқ косасимон шаклдаги елинга эга сигирларнинг энг кўп сони тажриба гуруҳида 12 бош (80,0 %), назорат гуруҳида 11 бош (73,3 %), думалоқ шаклдаги елинли сигирлар эса мос равишда 20 % ва 26,7 % ни ошган.

6. Тажрибадаги симментал зотли таналарни озиклантириш даражасини 20-30 % га ошириш натижасида биринчи тукқан сигирларни сутдорлигини ошириш даврида (лактациянинг илк 100 кунда) назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 280 кг (11,8%) кўп сут соғиб олинган.

7. Озиклантириш даражасини ошириш тажрибадаги таналарни парваришлашнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатган. Тажриба гуруҳи таналарни парваришлаш рентабеллиги даражаси 21,6% ташкил қилган ва сут ишлаб чиқариш таннархи назорат гуруҳига нисбатан 270,0 сўмга кам бўлган. Улардан ўртача бир бош ҳисобига 5660,2 минг сўм даромад олишга эришилиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 1379,3 минг сўмга ошганлиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD 06/09.07.2020. Qx/V.117.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИЛИАЛЕ
САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА
ВЕТЕРИНАРНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЖИВОТНОВОДСТВА И ПТИЦЕВОДСТВА**

АСРАЕВ УСМАН НАСИРОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ПРОДУКТИВНОСТИ МОЛОДНЯКА
СИММЕНТАЛЬСКОЙ ПОРОДЫ КРУПНОГО РОГАТАГО СКОТА ПО
ИНТЕНСИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

06.02.03 - Частная зоотехния. Технология производства продуктов животноводства

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ(PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент- 2022

Тема докторской диссертации (RhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером V2018.4.RhD/Qx360.

Диссертация доктора философии (RhD) выполнена в Научно-исследовательском институте животноводства и птицеводства.

Диссертация доктора философии (RhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ученого совета (www.svmitf.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Кахоров Абдусаттор

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шаптаков Эркин Суюнович

доктор сельскохозяйственных наук

Ибадуллаева Амина Сагынбаевна

доктор философии сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

Ташкентский Государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным и ветеринарным наукам PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 при Ташкентского филиала Самаркандского ветеринарного института.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского филиала Самаркандского ветеринарного института (Адрес: 111801, Ташкентская область, Чиланзарский район, мавзе-20. Дом-35А Тел.: (+99871) 216-135; email: svmi.tfiyandex.ru, www.svmitf.uz, малый конференц зал Ташкентском филиале Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологии.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _ от «__» _____ 2022 года)

Б.К. Мадартов

Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.с.х.н., профессор

М.Э. Гоипова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, д.ф.в.н.

С.И. Мавланов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени, д.в.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Сегодня мировой спрос на продукты животноводства – мясо, мясопродукты, молоко и молочные продукты – растет день ото дня. В связи с этим в Швейцарии, США, Германии и странах Евросоюза, где развита животноводческая отрасль, необходимо увеличивать поголовье скота, повышать продуктивность, улучшать воспроизводства скота, совершенствовать содержание, кормление и направленное выращивание молодняка является одной из важнейших задач.

Среди районированных пород скота двойного направления продуктивности в мире нарастает объем работ по разработке систематических приемов увеличения поголовья симментальского скота и получения от них качественной продукции. При ускорении производства молока возрастут требования к качественным показателям крупного рогатого скота и возникнет потребность в создании высокопродуктивных стад. Для этого молочные стада и фермы необходимо комплектовать коровами, близкими друг другу по живой массе и продуктивности, обладающими высокой естественной резистентностью организма. Формирование таких признаков у коров зависит главным образом от того, как воспитываются молодые самки от рождения до лактации. Следует отметить, что уровень кормления зависит от биологических особенностей растущего животного и его племенной цели.

В последние годы в стране были приняты широкий комплекс мер по удовлетворению потребности населения в качественных и безопасных продуктах питания. Поэтому важно изучить биологические особенности и адаптацию импортного молодняка симментальской породы, изучить особенности продуктивности, расширить ее научные аспекты, перевести скот на научно-обоснованный и экономически выгодный рацион, ранний перевод в основное стадо тёлочек, путем их интенсивного выращивания, продлить сроки использования коров, увеличить их продуктивность и качество молочной продукции.

Данное диссертационное исследование осуществлено в соответствии с Указами Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2015 года №ПП 2460 «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах» и от 3 марта 2021 года №ПП-5017 «О дополнительных мерах по дальнейшему поддержке отрасли животноводства» и в определенной мере будет способствовать в реализации задач, поставленных в них касающихся в части молочного скотоводства.

Соответствие диссертационной работы основным приоритетам развития науки и техники в Республике. Данное исследование соответствует направлению V.«Сельскохозяйственные, ветеринарные и экологические науки» приоритетов развития науки и техники в Республике.

Степень изученности проблемы. В Узбекистане и за рубежом проведен ряд научно-исследовательских работ по повышению продуктивности симментальского скота на основе интенсивной технологии, улучшению плодовитости, развитию вымени и других свойств, а также их результаты

рекомендованы в производство по совершенствованию породы, созданию ранних высокопродуктивных стад коров. Среди этих ученых из республики Ш.А.Акмалханов, У.Н.Носиров, М.Э.Аширов, А.Кахоров, Э.Ю.Шакиров, Б.Х.Джумадуллаев, а также зарубежные ученые А. Ф. Кузнецов, А. А. Стекольников, И. Д. Алемайкин, А. Я. Батраков, М. Д. Дедов, Ю. Н. Григорьев; А.Б.Руевский, Е.Н.Доротюк, А.Хансон, Л.К.Эрнст, А.Б.Ружевский, Ю.Д.Рубан, П.П.Бердник, Ф.Шпиндлер, А.И.Бич, М.А.Смольянинов, Н.И.Стрекозов, Ю.Г.Логинов, П.Н. А.Б.Ружевский, А.Черных и др. Проводили исследования по повышению эффективности совершенствования симментальской породы, использования потенциала этой породы в скрещивании. Результаты исследований этих ученых показывают, что симментальская порода крупного рогатого скота является улучшающей породой вне зависимости от районов разведения. Эти данные показывают, что использование симментальского скота в чистопородном разведении и скрещивании, правильная организация их содержания и кормления имеет большое практическое значение при создании продуктивных племенных хозяйств, создании раннеспелых стад симментальской породы с использованием молодых самок.

Соответствие диссертации к исследовательским планам исследовательского учреждения, в котором выполнялась диссертация. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках практического проекта по теме QX-A-QX-2018-95 «Разработка технологических приемов повышения продуктивности и повышения плодовитости импортного скота» (2018-2020 гг.) по плану научно-исследовательских работ и НИИ Животноводства и птицеводства.

Целью исследования было определить влияние в местных условиях технологии интенсивного выращивания на полноценном рационе на рост, развитие и молочную продуктивность коров симментальской породы и их потомков.

Задачи исследования : исходя из поставленной цели в задачи входило:

определение показателей роста и развития потомков симментальских коров в условиях интенсивной технологии

